

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
TOSHKENT DAVLAT O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI  
UNIVERSITETI**

**TARJIMA NAZARIYASI VA AMALIYOTI FAKULTETI**

**TARJIMA NAZARIYASI VA AMALIYOTI KAFEDRASI**

## **QIYOSIY ADABIYOTSHUNOSLIK: O'TMISHI, BUGUNI, ISTIQBOLLARI**

**Respublika ilmiy-amaliy anjumani maqolalar to'plami**

**2020-yil 6-noyabr**



**"FIRDAVS-SHOH" NASHRIYOTI  
TOSHKENT – 2020**

УДК 821,512,133,09 (062)

ББК 83.3 (5Ў) я73

Қ 37

*Ushbu to‘plam Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti Ilmiy-texnik kengashining 2020-yil 24-dagi 4-sonli yig‘ilishi qaroriga asosan nashrga tavsiya etilgan.*

### **Taqrizchilar:**

- Bahodir Karimov** – filologiya fanlari doktori, professor, O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatgan yoshlar murabbiyi
- Xurshid Do‘stmuhammad** – filologiya fanlari doktori, professor, O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlis Qonunchilik palatasi deputati

**To‘plamdan o‘rin olgan maqolalarning saviyasi, sifati va ilmiy dalillarning haqqoniyligi hamda mazmuni uchun mualliflar mas’uldirlar.**

### **Tahrir hay’ati**

Shuhrat Sirojiddinov	f.f.d., professor, ToshDO‘TAU rektori
Akmal Saidov	O‘zR FA akademigi, yu.f.d., professor
Muhammadjon Xolbekov	f.f.d., professor (SamDCHTI)
Uzoq Jo‘raqulov	f.f.d., professor (ToshDO‘TAU)
Ulug‘bek Hamdamov	f.f.d. (ToshDO‘TAU)
Gulnoz Xalliyeva	f.f.d., professor (O‘zDJTU)
Qosimboy Ma’murov	f.f.n., professor (ToshDO‘TAU)
Dilnavoz Yusupova	f.f.d., dotsent (ToshDO‘TAU).
Bahodir Xoliqov	f.f.f.d., ToshDO‘TAU ( <i>mas’ul muharrir</i> )
Mahmadiyor Asadov	ToshDO‘TAU tayanch doktoranti ( <i>mas’ul kotib</i> )
Zebo Sabirova	ToshDO‘TAU o‘qituvchisi ( <i>mas’ul kotib</i> )

**Qiyosiy adabiyotshunoslik: o‘tmishi, buguni, istiqbollari (matn)** Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari тўплами. – Т.: “Firdavs-Shoh” nashriyoti, 2020. – 284 bet.

**ISBN 978-9943-6695-8-1**

Mazkur anjuman materiallariga filologiyaning bugungi kunda dolzarb deb qaralayotgan qiyosiy adabiyotshunoslik, tarjimashunoslik va komparativistika masalalariga oid ilmiy maqola va tezislар kiritilgan. To‘plamdan o‘rin olgan maqolalarda qiyosiy adabiyotshunoslikning umumnazariy va uslubiy muammolari, o‘zbek mumtoz adabiyoti, qiyosiy mifologiya va folklorshunoslik, o‘zbek adabiyoti jahon badiiy tafakkuri kontekstida o‘rganilishi, o‘zbek va jahon adabiy aloqalari, tarjimashunoslik va tarjima tanqidi kabi dolzarb masalalar yoritilgan. Filologiya sohasiga oid ilmiy nashrlari bilan ilm ahli nazariga tushgan ustoz-olimlar: filologlar, pedagoglar, adabiyotshunos va tarjimashunoslari bilan bir qatorda, shu jabhalarda ilmiy kuzatishlarini endigina boshlagan tadqiqotchilar, doktorantlar va magistrantlarning ham tadqiqot natijalari mazkur to‘plamda tartiblangan.

To‘plam adabiyotshunoslik, jumladan, qiyosiy adabiyotshunoslik sohasida tadqiqot olib borayotgan hamda shu sohaga qiziquvchi keng kitobxonlar ommasiga mo‘ljallangan, shuningdek, “Qiyosiy adabiyotshunoslik” fanini o‘qitishda oliy o‘quv yurti talabalari uchun ham qo‘srimcha manba sifatida foydalanish mumkin.

УДК 821,512,133,09 (062)

ББК 83.3 (5Ў) я73

**ISBN 978-9943-6695-8-1**

© “Firdavs-Shoh” нашриёти, 2020

### III. O'ZBEK ADABIYOTI JAHON BADIY TAFAKKURI KONTEKSTIDA

#### ШАРҚ ВА ҒАРБ КЛАССИЦИЗМИНИНГ УМУМНАЗАРИЙ МУАММОЛАРИ

**Узок ҖҮРАҚУЛОВ,**

филология фанлари доктори, профессор

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

**Резюме:** Ушбу мақолада жаҳон адабиётининг минг йиллик тарихий тараққиётида муҳим ўрин тутган классицизм эстетикаси, тарихи ва генезиси, фалсафий, психологик омиллари, шаклланни босқичлари, ижодий методга хос критерийлари, поэтик канонлари масаласи назарий талқин этилган. Шарқ ва Ғарб адабиётидаги айни ижодий метод қандай умумий ва фарқли жиҳатларга эгалиги ҳақидаги илмий тезис ва хуносалар илгари суриглан.

**Калим сўзлар:** Классицизм, классик, позитивизм, “тақлид”, “олий дид”, “классик услугуб”, “классик сюжет ва образ”, “уч бирлик қонуни”.

Классицизм умумбашарий, умумфалсафий, умумадабий ҳодиса. Айнан шунинг учун ҳам бу ҳодиса типологик моҳиятга эга бўлиб, қиёсий адабиётшуносликнинг обьекти ҳисобланади.

“Классицизм” истилоҳи лотинча “klassicus” сўзидан олинган. Лугавий маъноси “намуна” ёки “намунавий” деганидир. Мустақил адабий метод сифатида XVII асрнинг бошларида Европада шаклланган. Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу далил классицизм факат ўн еттинчи юз йилликка келиб пайдо бўлди деган маънони бермайди. Жаҳон адабиётидаги аксар адабий методларга ўхшаб классицизм ҳам хронологик жиҳатдан адабиётнинг илк даврлари билан боғланади. Чунки классицизмнинг асл моҳияти, бадиий талқин табиати шундай.

Классицизм, ички тамойилига кўра уч муҳим заминга таянади: тақлид ёки анъянага монанд акс эттириш, ақл-тафаккур концептини марказга қўйиш, мутлоқ (абсолют) дид.

Хўш, бу нима дегани?

“Тақлид ёки анъянага монанд акс эттириш” дейилганда классицизмнинг “намуна”ни ўзгармас жавҳар, тақлид обьекти сифатида мутлоқлаштириши тушунилади. Бу специфик хусусият классицизмнинг адабиёт, эстетика чегараларидан чиқиб кетиб, ижтимоий, фалсафий, психологик, индивидуал сатҳларга ҳам мансубланишини таъминлайди. Бу гўёки барча йўловчиларнинг муайян йўлдан юришига ўхшайди. Айни ҳолат йўлнинг тўғрилиги, равонлиги, синовдан ўтганлиги билан боғлиқ. Шунинг учун ҳар бир йўловчи ўзи учун алоҳида йўл қидирмасдан, ўзидан олдин ўтган йўловчиларга эргашади. “Синалган йўл – бехатар йўл”, деган хуносада бу йўлдан юриш жараёнини қонунлаштиради. Йўл барча йўловчилар учун ягона канонга айланади. Бу ўринда намуна вазифасини биринчи ўтган йўловчи фаолияти бажаради. Шу жойдан ҳодисанинг психологик хоссаси ҳам ўсиб чиқади. Қулайлик, равонлик, адашиш хавфининг йўқлиги янги йўл очиш машаққати, хавф-хатарга йўлиқиши эҳтимоли йўловчини психологик жиҳатдан шу йўлдан юришга олиб келади. Бу ҳолат индивидуал одам ҳаёт йўлида ҳам айни қолипда кечади. Бола дунёни таниш жараённада катталарга тақлид қиласди. Уларнинг изидан боришига уринади. Тақлид обьектини тўла ўзлаштиргандан сўнг ундан мукаммалроқ обьектга интилади. Одамзот азалдан мана шу принцип бўйича яшаб келади. “Намуна” танлаш ихтиёри бўлмаган ўринда у ягона тақлид обьекти билан чекланишга мажбур бўлади. Танлаш ихтиёри бўлган ҳолатда эса соддадан мураккабга қараб боради.

Ақл бизни доимий тарзда әхтиёткорлик, хавф хатар, муаммолардан четлаб ўтишга ундейди. Синалган йўллардан юриш, ўзигача яшаганлар тажрибасига суюниш субъектни шундай имтиёзлар билан таъминлайди. Ақл-тафаккур, гарчи инсонга доир бу хоссага азал-азалдан ижобий характеристика бериб келинса ҳам, инсонни муайян маънода янги йўллар кашф этиш, қолиплардан чикиш, фавқулодда қаҳрамонлик қўрсатишдан чеклаб туради. Бу чеклов ақл табиатига ҳар жиҳатдан мувофиқ. Негаки, ақл доимий тарзда инсон учун қулай ва бехатар йўлларни қидиради. Жонни хатарга қўядиган қаҳрамонликлар, мушаққат ортидаги кашфиётлар, қолипларни бузиш ортидан келадиган муаммоларга йўлиқишидан кўра ўз соҳибини синалган йўллардан юришга ундейди.

Классицизмдаги “олий дид” тушунчаси нисбий моҳиятга эга. Ундаги “олий дид” даражасини тақлид “намуна” сининг қайси мақомда тургани белгилайди. Бу худди чемпионга тақлид қилган спортчи билан ўз маҳаллий ҳудуди етакчисига тақлид қилган спортчи ҳолатига ўхшайди.

Мана шу уч замин классицизм фалсафаси ва адабиётининг ҳам характер хусусиятини белгилайди.

Жаҳон мифологияси, фольклори, ёзма адабиёти тарихини кузатадиган бўлсак, бу жараён ибтидоий даврлардан эътиборан амалда бўлиб келганига гувоҳ бўламиз. Ҳар қандай образли тафаккур намунасида муайян объект-намунага таяниш, сюжет, композиция, образ, услуб, ҳатто мотив, деталларгача тақлид тамойилига қуришга интилиш сезилади. Сўз санъати намуналарини канонлаштирган Аристотель бу ҳодисани “мимесис” (қайта акс эттириш) деб номлаган. Қайта бадиий акс эттириш гарча объектга нисбатан ижодий ёндашувни талаб этса-да, унда муайян маънода тақлиддан улуш, тақлид этилаётган объект доирасига мансубият мавжуд.

Илохий китоблар ва миф, илохий китоблар ва эпос, илохий китоблар ва бошқа адабий жанрлар ўртасидаги аналогиянинг асосий сабабларидан бири шу. Қўринадики, инсон томонидан босиб ўтилган ижодий босқичларнинг барчаси у ёки бу даражада илохий китобларга бориб туташади.

Мисол тариқасида биргина “Нуҳ (а.с.) тўфони” ҳодисасини олайлик. Бу ҳодиса хақида илк хабар берувчи манба илохий китоблар ҳисобланади. Таврот, Забур, Инжил, Қуръони карим сингари илохий китобларнинг барчасида бу ҳодиса илохий ҳақиқат сифатида қайд этилади. Ўз қавми у олиб келган илохий буйруқ ва кўрсатмаларга, кўрсатган тўғри йўлига амал қилмагач, Нуҳ алайхиссалом Оллоҳга мурожаат этиб, бундай инкор этувчи, гуноҳкор ва осий қавмни жазолашини тавалло қиласди. Дуо ижобат бўлади. Нуҳ (а.с.) қавми тўфон – бутун ер юзини сув босишидек мудҳиш кўргулик билан жазоланади. Ер юзида битта ҳам осий қолмайди. Фақат Нуҳ алайхиссаломга эргашиб, у зотнинг айтганларига амал қилган саноқли одамлар, айни пайтда, табиат қўйнида юрган барча жонзотлардан жуфт-жуфт қилиб кемага чиқарилади ва омон қолиб, ер юзидаги ҳаётни давом эттиради. Бу воқеа дастлаб илохий хабарларнинг бузилган, ёлғон билан қўшиб-чатилган шакли бўлган мифларда, сўнгра фольклор асарларида, ниҳоят, ёзма адабиётга кўчиб ўтади. Бу сюжетнинг шумер эпоси “Билгамиш”, хинд эпоси “Махабхарата” ва кўплаб эртаклар, ҳалқ достонларида, “Кутадғу билиг”, “Қиссаси Рабғузий” каби ўзбек ёзма адабиёти намунналарида бадиий синтезлашган ҳолда келиши кузатилади. Бу эса миф – фольклор – ёзма адабиёт аталган уч босқичда ҳам янги асарнинг юзага келиши учун ягона сюжет “намуна” бўлиб хизмат қилганини кўрсатади. Адабиёт тарихида айни шакл-мазмундаги мисолларни ўнлаб келтириш мумкин. Аммо, бу ўринда биз учун муҳими образли тафаккур тарихида изчил учрайдиган бундай ҳодисанинг сони эмас, уларнинг классицизмга хос тақлид ёки намунани бадиий акс эттириш тамойилига курилганидир.

Адабий-тарихий жараёнда тақлид обьекти ўзгариб туриши мумкин. Адабиёт тарихининг шундай даврлари борки, унда “объект” вазифасини миф бажаради. Антик Юнон адабиёти вакиллари Гомер, Эсхил, Софокл, Еврипид асарлари сюжетини

мифологик асарларда акс эттирилган воқеалар ташкил этиши фикримизга далил. Айни ҳолатни миф ва асотирлари нисбатан тўлиқроқ етиб келган Хинд, Миср, Хитой, Эрон адабиётининг илк даврларида ҳам кузатамиз.

Кейинги даврлардан эътиборан фолклор ва ёзма адабиёт илохий китоблар билан мифларга хос бадиий компонентларни синтезлаш жараёнини нисбий тарзда бўлса ҳам якунлади. Натижада адабиёт классик босқичга ўтди. Эндиликда ёзма адабиёт фолклор намуналарига таассуб қилгани ҳолда ўз намуналарини тақдим эта бошлади. М.Бахтиннинг “Эпос ва роман”, “Романда замон ва хронотоп шакллари” деб номланган тадқиқотларида адабиётнинг маълум босқичига келиб эпос дифференциацияга учрагани, эпосга оид бадиий бўлаклар асосида бошқа жанрлар шаклланганини айтади. Роман ва эпос ўртасидаги муносабатнинг бир жиҳати айни жараён билан боғлиқлигини қайд этади.

Ўйғониш даврига келиб, адабиётнинг классикалашуви қонун тусини олган эди. Шу пайтгача миф ва фольклорга намуна сифатида муносабатда бўлган авторлашган адабиётнинг ўзи эндиликда конкрет намунага айланди. Европа Уйғониши адабиёти вакилларининг антик Юнон ва Рим адабиёти вакиллари асарларини “намуна” ўлароқ қабул қилишлари, шу асада қатор трагедия, драма, комедиялар ижод этишлари шундайн далолат беради. Машхур В.Шекспирнинг қатор машхур трагедиялари анъанавий сюжетлар асосида ёзилган. А.Данте, Ф.Петрарка, Ж.Баккачо, Т.Мор, Ф.Бэкон, Серванtesлар ижодида ҳам айни ҳолат кузатилади. Шарқ Уйғонишининг муҳим поэтик янгилиги бўлган ҳамсачилик, достончилик, назирачилик, тахмисчилик анъаналари ҳам айнан шу – классицизм қонуниятларига асосланган. Низомий Ганжавий томонидан бошлаб берилган ҳамсачилик Ҳусрав Дехлавийга келиб анъанага айланди.

Буларнинг барчаси классицизм адабий-тариҳий ижтимоий-психологик, адабий-эстетик ҳодиса ўлароқ бадиий тафаккурнинг барча даврларига тегишли эканини кўрсатади.

Аммо биз экскурсив сувратда қайд этган жараённинг тўғри англаш учун классицизмга хос яна бир муҳим хусусиятни билиб олишимиз лозим. Бу классицизмда тақлид ёки анъанани бадиий акс эттириш мезони масаласидир.

Моҳиятан, инсон яратувчи эмас. У ўзича бирор нарса, воқеа-ҳодисани яратади. Кўрмаган, тасаввур қилмаган нарсасини ҳатто хаёлида ҳам тиклашга ожиз. Шу боис адабиёт учун объект масаласи муҳим. Бирор адабий метод, оқим ёки адабиёт намунаси йўқки, объектдан мутлақ узилган ҳолатда мавжуд бўлсин. Бири учун реал воқеа, бири учун туйғу, яна бошқаси учун туш ёки хаёлот бадиий объект бўлиб хизмат қиласа, классицизм намуналари учун аниқ объект вазифасини бажаради. Юқорида сўзлаб ўтганимиздек, бадиий тафаккурнинг архаик босқичида бу вазифани илохий ахборотлар, мифлар бажарган. Кейинчалик бу вазифани фольклор материаллари ўз устига олган. Маълум пайтга келиб, бадиий синтезлашган, классикалашган адабиётнинг ўзи объектлик юкни қабул қилган. Ҳар бир босқичда объектга тақлид қилувчи, бадиий акс эттирувчи субъектнинг истеъдод даражаси, маҳорати классик асар оригиналлигини таъминлаган. Агар бадиий материалнинг бадиий талқин этилиши оригиналлик мезонига кўра ўта тубан бўлса, бу айнан субъект (бахши, шоир, ёзувчи, драматург ва ҳ.к.)нинг истеъдоди, бадиий маҳоратининг пастлигидан далолат беради. Юксак истеъдод ва бадиий маҳорат соҳибининг кульминацион даражаси шуки, у ўз обьектига имкон қадар яқин боради, илохий манбаларни истисно этганда, ўз тақлид обьекти қолипларини бузади. Бир моҳиятдан тамомила янги бадиий моҳиятнинг майдонга келишига эришади. Жаҳон адабиётида В.Шекспир, И.Гёте, Ф.Достоевскийлар ижоди бунга ёрқин далил. Миллий адабиётимизда эса ҳазрат Навоий асарлари бу фикримизнинг жаҳоншумул далилидир.

Демак, жаҳон поэтик тафаккури тарихида классицизм тамойилининг мавжуд экани ҳақиқат. Фақат XVII асрга келиб, Ғарбий Европада бу тамойил қонуний адабий метод тусини олди. Чунки бу аср Европада айни адабий методнинг майдонга келиши учун ижтимоий, бадиий, психологик вазият етилган эди. Кўп асрлар “Кибор” Рим томонидан

“варварлар” деб қараб келинган Ғарбий ва Шарқий Европа халқлари бу даврга келиб, миллат ва мустақил салтанат бўлиб шаклланиш заруратини ҳис қила бошладилар. Бу жараён XI охири XII асар бошларида пайдо бўлган миллий эпослар билан бошланган бўлса, миллатнинг ўз маданияти, маънавий қиёфасига эга мустақил ижтимоий-сиёсий феномен бўлиб шаклланиши, ўз салтанати, салтанатчилиги этикетини намоён этиши учун аниқ ва тизимли фоя лозим эди. Французлар учун мана шу вазифани классицизм бажарди.

Француз қироли Людовик XIV (1643 - 1715) даврида давлат мустаҳкамланди. Ташқи ва ички сиёсатда мутлоқ монархия тамойили шаклланди. Натижада хукумат кучли ижтимоий сиёсат юргизиш имконига эга бўлди. Людовикнинг шу даврдаги кардинали Решилье салтанатнинг маданий ва адабий сиёсатига масъул бўлиб, у ўзининг қаттиққўллиги, мақсадини амалга ошириш йўлида қатъйлиги билан машҳур эди. Натижада у томонидан ташкил этилган Академия мамлакатдаги адабий сиёсатни бошқарувчи бир тизимга айланди. Бу тизимнинг мақсад-моҳияти шунда эдики, наинки адабиёт, санъатнинг барча турлари, барча гуманитар соҳалар аниқ вазифага кўра хизмат қилиши, вазифа эса салтанат этикети ва янги француз кишиси, маданий юксак француз миллатини тарбиялашдан иборат эди. Решилье бошчилигидаги Академия айни мақсаднинг амалга ошувини жиддий назорат қилас, мамлакатдаги барча истеъоддли санъат намояндаларини ўз доирасига бирлаштирган эди. Шундай жиддий ҳаракатнинг оқибати ўлароқ Европа давлатлари ичida илк бор классицизмнинг фалсафий асослари, эстетик концепциялари ва назарий канонлари ишлаб чиқилди. Айнан шу муҳитда санъат ва адабиётдаги эстетик принциплар, тур ва жанрлардан тортиб, барча бадиий компонентлар канонлаштирилди. Ижодкорлар асосланиши шарт бўлган “намуна-объект” қатъий тарзда белгилаб қўйилди.

Мазкур маданий-адабий жараён учун “намуна-объект” вазифасини антик эстетика бажарди. Юнон ва Рим давлатчилиги этикетлари янгиланаётган Француз салтанати учун, ижтимоий, маданий, маънавий, маиший қоидалари цивилизациялашган миллий француз кишисини тарбиялаш учун, санъат қоидалари ушбу мақсадларни амалган оширишга хизмат қилиши лозим бўлган санъат ва адабиёт учун “намуна” қилиб олинди. Албатта, бундай қатъий сиёсат табиатан эркинликка мойил санъат ва адабиётни чеклаб қўйиши аниқ эди. Аммо Людовик ва унинг мақсадларига кўра салтанат ва миллат манфаати санъат манфаатидан устунроқ эди. Кейинроқ айни бадиий метод классик бўлиб танилган Корнелнинг “Сид” трагедияси Решилье академияси томонидан қаттиқ танқидга учрашининг асл сабаби ҳам шу бўлган.

Классицизмнинг фалсафий замини Рене Декарт (1596 – 1650)нинг “Фикрлаяпман - мавжудман” деган концепциясидан келиб чиқкан. Борлик, воқеликни идрок этиш ва инсонинг ўз-ўзини англашида рационал ёндашувнинг мутлоқлаштирилиши айни фалсафанинг таянчи ҳисобланади. Яна бир рационалчи-файласуф Пьер Гассенди (1592 – 1655)нинг “Аристотелчиларга қарши парадоксал машқлар”, “Философия тўплами” асарларидаги фикр-қарашлар, айникса, уларда акс этган ўрта асрчилик анъаналари танқиди, антик моддиюн фалсафаси вакиллари Эпикур ва Лукреций қарашларига доир тарғиботлари классицизм тарафдорларини илҳомлантирилди. Шулар асосида классицизм санъати ва адабиётининг назарий критерийлари, каноник белгилари ишлаб чиқилди.

Классицизмнинг бадиий адабиётга татбиқ этилиши эса, Решилье гурухининг фаол вакили Никола Буало фаолияти билан боғлиқ. У томонидан ишлаб чиқилган ва адабиётга жорий этилган “олий дид”, “олий, ўрта ва тубан услуб”, “жанр канонлари” назариялари, драматургияга оид “уч бирлик қоидаси” Европа классик адабиёти учун асос вазифасини ўтади. Ушбу назарий қоидалар Буалонинг шеърий усулда ёзилган “Поэтик санъат” рисоласида ўз аксини топган. Асарда антик санъат назариясининг замонавий француз жамияти ва адабиёти манфаатларига мослаб ривожлантирилгани, қайта ишлангани кузатилади. Буалонинг қатъий тўхтамига кўра, гўзаллик ҳаққонийлик ва конкрет

тафаккур аниқлигига. Айни пайтда, бу асар ўша давр француз адабий мұхитига хос муаммо ва ютуқларни акс эттириши билан ҳам бадиий-тарихий ақамиятга эга.

Шу тариқа классицизм адабиёти ва унга хос ижодий метод шаклланди. Тадрижий равища дастлаб Европа халқлари адабиётига, сүнгроқ рус ва бу орқали Россия атрофи худудларида яшайдиган миллатлар адабиётига тарқалди. Агар XVII асрнинг иккинчи ярми XVIII аср бошларида ўзининг юксак намуналарини тақдим этган бўлса, кейинги даврларда адабиётдаги турғунлашув, плағиатга олиб келди.

Классицизм адабиёти жаҳон адабиёти тарихига Пьер Корнель, Жан Батист Мольер, Жан Расин (Франция), Лопе де Вега, Тирсо де Молина, Альфонсо Санчес, Рикардо де Турия, Бортоломэ Леанардо (Испания), Жон Мильтон, Бенжамин Жонсон (Англия) сингари истеъодли ижодкорларни тақдим этди. Буларнинг аксарияти классицизм қолипларни ёриб ўтиб, қатъий анъаналар ичида янгилик кашф этишга эришди. Рус адабиётида А.Пушкин ва М.Лермонтовгача бўлган адабиётнинг барчасида классицизм тамойиллари етакчилик қилди.

Ўзбек адабиётидаги классицизмни икки даврга бўлиш мумкин: “юксак классицизм даври”, “канонлашган классицизм даври”. Биринчи даврга шубҳасиз Навоий даври, бу даврга хос адабий анъаналар киради. Навоий ижодида ислом Шарқи адабий анъаналари ўзининг ҳадди аълосига кўтарилиди. Араб, форс ва қардош туркий халқлар поэтик анъаналари Навоий даври адабий мұхитида туркона бадиий тафаккур кенгликларида янги босқичга кўтарилиди. Анъанавий эстетик тамойиллар, жанр мезонлари, образ ва услуб ислом маърифати негизида ривожланди.

“Канонлашган классицизм даври” Туркистандаги уч хонлик тасарруфидаги икки ҳудудда кузатилади. Буларнинг биринчиси Амир Умархон, Фазлий Намонгоний бошчилигидаги Кўқон адабий мұхити, иккинчиси, Мухаммад Раҳимхон Феруз ва Мухаммадизо Огаҳий етакчилигидаги Хоразм адабий мұхити. Мазкур адабий мұхитни “канонлашган классицизм” тарзида номлашимизга сабаб, уларда Навоий давридаги сингари Куръон, Ҳадис каби бирламчи манбаларга эмас, балки форс класик адабиёти, Алишер Навоий асарлари ва адабий мұхити сингари синтезлашган бадиий канонларга риоя қилиш тамойилининг кучлилигидир.

Албатта, Шарқ ва Ғарб классицизм адабиётининг умумий томонлари бўлиши билан бирга, кескин фарқланадиган хусусиятлари ҳам бор. Энг мұхим фарқ эса Шарқ-ислом классицизм адабиётида диний-маърифий томойиллар асос-моҳиятни ташкил этиши, Ғарб классицизмиде антик Юнон ва Рим маданиятининг маънавий эскирган бадиий-фалсафий концепциялари устуворлигига намоён бўлади.

Кўринадики, классицизм адабий методи чуқур илдизга эга бўлган, ижтимоий, фалсафий, эстетик, психологик омилларни ўзида мужассам этган табиий ва қонуний методлардан биридир.



## БАЙРОН ВА ЧЎЛПОН ШЕЪРИЯТИДА БАДИИЙ МУШТАРАКЛИК

*Махлиё УМАРОВА,  
филология фанлари номзоди, доцент  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети докторантি*

Байрон ва Чўлпон шеърияти руҳида муаллифнинг шахсий кечинмалари атрофлича акс этганини кўришимиз мумкин. Шоирлар ҳамма замонларда миллат эркининг мангу куйчилари саналган. Эркинлик инсон онгининг хукмрон тоифаларидан бири, инсонни

### III. O'ZBEK ADABIYOTI JAHON BADIY TAFAKKURI KONTEKSTIDA

<b>Узоқ ЖҮРАҚУЛОВ.</b> Шарқ ва Farb классицизмининг умумназарий муаммолари .....	105
<b>Махлиё УМАРОВА.</b> Байрон ва Чўлпон шеъриятида бадиий муштараклик .....	109
<b>Shahoza RAHMONOVA.</b> XX asr o'zbek adabiyotida yaratilgan mustazod janrining qiyosiy tahlili .....	112
<b>Феруза СУЛТОНҚУЛОВА.</b> Усмон Азим ва жаҳон шеърияти .....	116
<b>Ғулом БОБОЖОНОВ.</b> “Балоғат илми” араб, форс ва туркий олимлар талқинида .....	118
<b>Абдунаби ТЎЙЧИЕВ.</b> Ижодий хамоҳанглиқ .....	120
<b>Anvar ALLAMBERGENOV.</b> Abu Rayhon Beruniyning epizodik obraz sifatidagi tasviri (Maqsud Qoriyevning “Ibn Sino” romanı misolida) .....	124
<b>Зебо САБИРОВА.</b> Шарқ фалсафаси ва модернизм .....	127
<b>Chinora UMARALIYEVA.</b> Merso va G'aybarov obrazlari misolida begonalashuv .....	130
<b>Axror Kodirov.</b> Mustaqillik davri o'zbek romanchiligidagi shakliy o'zgarishlar .....	132
<b>Mohira ABDURAHMONOVA.</b> Xurshid Do'stmuhammadning “Bozor” romanidagi ramziy obrazlar poetikasi .....	135
<b>Dilshoda UMIROVA.</b> O'zbek va jahon adabiyoti sirlari va farqlarni xususida .....	137

### IV. O'ZBEK VA JAHON ADABIY ALOQALARI

<b>Улуг'бек ХАМДАМОВ.</b> Глобаллашув даври араб шеъриятига бир назар (Солих Замананинг “Абадият манзиллари” тўплами мисолида) .....	139
<b>Ёрқиной НАСИРДИНОВА.</b> Ўзбек миллий уйғониш даври адабиётининг ўзбек-француз адабий алоқалари “Ренессанс”ида тутган ўрни .....	143
<b>Баҳор ТЎРАЕВА.</b> Чингиз Айтматов романларида инсон ва жонзот микрохронотопининг параллел тасвири .....	145
<b>Aziza ZOIROVA.</b> Fransuz-o'zbek adabiy aloqalari taraqqiyotida badiiy tarjimaning roli .....	149
<b>Дилдора САФАРОВА.</b> Эрнест Хемингуэй ва ўзбек адабиёти .....	151
<b>Sardor SHERQULOV.</b> Lyuis Kerroll asarlarida viktoriya davrining ta'siri va fantastik voqealar mohiyati .....	153
<b>Давронбек ҚОДИРОВ.</b> Fazzolijinnig “Ал-мунқиз мина-з-залол” автобиографик асарида тасаввufий-ахлоқ ҳақида .....	156
<b>Дилафуз ОЧИЛОВА.</b> Уйғониш даврининг буюк драматурги Кристофер Марло ижодига чизгилар .....	158
<b>Зебинисо БЕКМУРАДОВА.</b> Франсуаза Саган ижодига психологик роман жанри .....	160
<b>Ислом ЖҮРАЕВ.</b> Замонавий шеъриятда шахс ва жамият тақдиди .....	163
<b>Набия АБДУЛЛАЕВА.</b> Инглиз адабиётида талаба образининг берилиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари .....	166
<b>Нилуфар ЖУМАЕВА.</b> “Шовқин ва ғазаб” романнада ёритилган муаммолар .....	168
<b>Адиба МА'ДИЕВА.</b> “Ўзбек модерн шеърияти” тўплами хусусида .....	171
<b>Ma'suma OBIDJONOVA.</b> Rey Bredberi ijodida inson omili .....	173

### V. TARJIMASHUNOSLIK VA TARJIMACHILIK MASALALARI

<b>Kosimboy MAMUROV, Mohina KHAMIDOVA.</b> On reviewing translation works (on the example of the book “Night and Day” by a.Chulpon) .....	176
<b>Xushnuda SAMIGOVA.</b> Some hints for translators: paraphrases as a means of cultural translation .....	178
<b>Зиёдахон ТЕШАБОЕВА.</b> Такаллufнинг маъно жилолари ва инглизча таржималари таҳлили .....	182
<b>Nurislom KHURSANOV.</b> General characteristics of translation process and cross-cultural communication .....	185
<b>Oybek XAMDAMOV.</b> Tarixiy romanlar tarjimasida milliylikni aks etishi masalalari .....	188
<b>Ozoda QURBONOVA.</b> Ingliz tilidagi iboraviy fe'llarni o'zbek tiliga tarjima qilish muammolari ...	191